XALQ DEPUTATLARI BULOQBOSHI TUMAN KENGASHI QARORI

170500, Buloqboshi t., M.Ismoiliy ko'chasi 6-uy, Telefon: (74) 7732560 e-mail: buloqboshi@exat.uz

2023 - yil 14 - mart VI-65-24-1-20-K/23 Buloqboshi tumani hokimligi

Булоқбоши тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасига асосан туман ҳокимлигининг туман маҳаллий бюджети 2023 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгаши :

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. **Туман ҳокимлигининг туман маҳаллий бюджети 2023 йил бошига эркин қолдиқ маблағларини иловага мувофиқ йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.**

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Буваматов, туман молия бўлими мудири А.Расулжонов билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг "2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш;

-ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсин.

3. Туман ғазначилик бўлинмаси (Д.Тўраев) ажратиладиган маблағлар бўйича шартномаларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

4. Иловага мувофиқ мутасадди ташкилот раҳбарлари ажратилган маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий коммисияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Буваматов зиммаларига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **O'.Mamurov**